153	Адип кайтармасининг букиш чизиғи ва ёқадан кўклаш ипларини олиб ташлаш	к	1	19	-
154	Бортда 2 та изма ўрнини белгилаш	к	2	25	Бур, андоза
155	Бортда 2 та измани йурмаш	Я/а	3	34	PFAFF 3119-4/51
156	Ип учларини қирқиш	К	1	25	Кайчи
157	Пиджакни кераксиз иплардан тозалаш	к	1	90	Кайчи
Пиджакка намлаб иситиб ишлов бериш					
158	Олд бўлакни пресслаш	п	5	44	FR P-16 + P-16
159	Пиджак ён чокларини пресслаш	п	5	54	FR P-16 + P-16
160	Пиджак орт бўлагини пресслаш	п	5	40	FR P-16 + P-16
161	Ёқа ва елка қисмини пресслаш	п	5	48	GV-299
162	Ёқа кутармаси ва адип кайтармасини кайириш чизиғини пресслаш	п	5	36	FR P-16 + P-16
163	Бортни пресслаш	п	5	114	FR P-16 + P-16
164	Енг қиямасини пресслаш	п	5	49	GV-299
165	Енг учини пресслаш	п	5	83	FR P-16 + P-16
166	Пиджак астарини дазмоллаш, кесимни дазмоллаш, ялтирокларни кетказиш	Д	5	122	TAR FL-260
167	Бортда 2 та тугма ўрнини белгилаш	К	2	15	Бур


168	Бортга 2 та тугмани кадаш	Я/а	2	24	PFAFF 3371-10/01
169	Захира тугмани тикиш	Я/а	2	10	PFAFF 3371-10/01
170	Енг кесимида 6 та тугма тикиш	Я/а	2	60	PFAFF 3371-10/01
171	Буюмни ип ва доглардан тозалаш.	К	2	15	-
172	Буюмга савдо белгисини осииш	к	2	30	-
173	Пул варакаси буйича пиджакни шим билан комплектлаш	к	3	60	-
174	Тайёр буюмни омборга топшириш	к	3	30	-
	Жами:			6939	

3. МЕХАНИКА ҚИСМИ

3.1. Мавжуд тикувчилик машиналари турлари, узел ва механизмлари хақида маълумотлар

Ҳозирги пайтда вазифаси ва тузилиши жиҳатидан турли хил бўлган, фан ва техниканинг охириги ютуқларига асосланиб яратилган, замонавий технология талабларига жавоб берувчи, автоматлаштирилган ва электрон бошқарувли тикув машиналари чиқарилмоқда.

Тикув машинаси қуйидаги асосий қисмлардан иборат. Машина танаси 2 (1-расм) асосий вал ўрнатилган бўлиб, ундан машинанинг барча механизмларига ҳаракат узатилади. Машина танасининг таянчи 4 да баҳя йириклигини ўзгартирувчи қурилмалар жойлаштирилган. У асосан машина бош қисмини ушлаб туради. Машинанинг олд қисми 1 да игна ва иптортгич (занжирсимон баҳяли тикув машиналарида ипузатгич) механизмлари, тепки узели баъзи машиналарда эса қўшимча механизм ва узеллар ўрнатилган. Машинанинг асосий валига айланма ҳаракат маховик ғилдираги 3 орқали электрюритгичидан узатилади. Машинанинг устига бошқарув пулти 5 ўрнатилган бўлиб, ундан ишчи органлари ҳолати, баҳяқатор кўриниши ва йириклиги автоматик тарзда ўзгартирилади.



1-расм. «Жуки» фирмасининг тикув машинаси.

Замонавий тикув машиналарида бошқарув пулти машина танаси таянчида ёки унинг ён томонида жойлашган. Машина иш столига таянч 6

ўрнатилган бўлиб, унда ипли ғалтак ёки бобиналар учун стерженлар жойлаштирилган. Тана таянчи 4 дан игна ҳаракат чизигигача бўлган а-масофага машинанинг ишчи қулочи дейилади.

Машина платформаси 7 да моки (занжирсимон баҳяли тикув машиналарида чалиштиргич), газламани суриш ва автоматик мойлаш механизмлари, баъзи тикув машиналарида ипни қирқиш, кенгайтиргич каби қўшимча механизмлар ўрнатилган. Ташқи кўриниши, вазифаси, ишлаш принципи, техникавий кўрсаткичлари, кинематикаси, конструкцияси жиҳатидан тикув машиналари жуда хилма-хилдир.

Тикув машиналарини яратиш ва такомиллаштиришда тикиладиган материалнинг физика- механикавий хоссаси ва тузилиши, технологик жараёнга таъсир қилувчи факторлар эътиборга олинади. Тикилаётган материалнинг ишқаланиш коэффициентини, чўзилишлигини, зичлигини, эриш температурасини каби параметрлари-тикувчилик машинаси конструкциясига, баҳяқатор ҳосил бўлишдаги иплар боғланишлигига, қўлланиладиган игна геометриясига, машина тезлик кўрсаткичларига боғлиқ бўлади. Баҳяқатор ҳосил бўлиш жараёнида иплар чалишиш характериға қараб тикув машиналари икки гуруҳға бўлинади:

- моки баҳяли тикув машиналари;
- занжирсимон баҳяли тикув машиналари.

Моки баҳяқатори кам чўзилувчанлигини ва пухталиқ хусусиятиға эға бўлганлигини учун, моки баҳясини билан тикувчи машиналари асосан қаттиқ ва мустаҳкам газламаларни тикишда қўлланилади.

Занжирсимон баҳяқатор ҳосил қилиб тикувчи машиналар чўзилувчан трикотаж газламаларни тикишға ва кийим деталларини вақтинчалиқ бирлаштиришға мўлжалланган.

Тикув машиналари вазифасиға кўра қуйидаги гуруҳларға бўлинади:

- моки баҳяли тўғри баҳяқатор ҳосил қилиб тикувчи машиналар;
- бир ипли занжирсимон тўғри баҳяқатор билан тикувчи машиналар;

- кўп ипли занжирсимон тўғри баҳяқатор ҳосил қилиб тикувчи машиналар;
- моки баҳяли синиқ баҳяқатор билан тикувчи машиналар;
- газлама четларини йўрмаш машиналари;
- яширин баҳяли тикув машиналари;
- тугма ва бошқа фурнитураларини қадайдиган, пухталайдиган ва калта чокларни тикадиган, ҳалқа йўрмайдиган ва буюмнинг айрим деталларига ишлов берадиган яримавтоматик тикув машиналари.

Тезлик кўрсаткичлари бўйича тикув машиналари уч гуруҳга бўлинади:

- асосий валнинг айланишлар частотаси 2500 айл/мин. гача бўлган паст тезликли;
- 2500 айл/мин. дан 5000 айл/мин. гача бўлган ўртача тезликли;
- 5000 айл/мин. дан юқори бўлган катта тезликли.

Ишчига нисбатан жойлашиши бўйича тикув машиналари ўнг, чап ва фронтал қулочли бўлади. Тикув машинаси ишчи қулочи ишлов берилаётган маҳсулотнинг максимал ўлчамини аниқлайди. Ишчи қулочлари бўйича тикув машиналари қуйидагиларга бўлинади:


- қисқа ишчи қулочли (L-200 мм гача);
- ўртача ишчи қулочли (L-200 мм дан- 260 мм гача);
- узун ишчи қулочли (L-260 мм дан юқори).

Бутун бир технологик жараён учун ишлаб чиқариладиган тикувчилик ускуналари корхонанинг аниқ бўлимига яроқлилигига, автоматлаштириш ва механизациялаштириш даражасига қараб ҳам гуруҳларга ажратиш мумкин.

Тикув машиналарининг асосий ишчи органлари.

Игна - тикув машинасининг асосий ишчи органларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ҳамма машина игналари газламани тешиб, устки ипни игна пластинаси остига олиб ўтиш ва устки ипдан ҳалқа ҳосил қилиш учун хизмат қилади.

Игналар тўғри ва ёйсимон кўринишларда бўлади. Яширин баҳя ҳосил қилиб тикиш машиналарида ёйсимон игна материалнинг ярим қалинлигига санчилади. Ёйсимон шаклдаги игналар асосан ярим айлана траектория бўйлаб ҳаракатланади. Моки баҳяли тикув машиналарида эса вертикал ҳаракатланувчи тўғри игналар қўлланилади. Игнанинг узунлиги ва иш йўли орқали тикув машинасининг конструктив параметрлари аниқланади.




Моки - устки игна ипини илиб олиб, уни кенгайтириб, ўз атрофидан айлантириб остки ип билан чалиштириш учун хизмат қилади. Моки қурилмаси (2-расм), 1-найча, 2-найча қопқоғи, 3-моки ўқи, 4-найча ушлагич ва 5-моки илмоғларидан тузилган. Моки баҳяси ҳосил бўлиш жараёнида моки илмоғи игна энг пастки ҳолатидан кўтарилиши пайтида ҳосил бўлган ипнинг ҳалқасини илиб олиб, уни кенгайтириб найчаушлагич атрофидан айлантиради. Моки ташқи диаметри бўйлаб айлантирилган игна ипи моки ипи билан чалишади ва баҳя ҳосил бўлади.


Баҳя ҳосил бўлиш жараёнида тўғри ва ёйсимон игналарнинг ҳолати 2-расмда кўрсатилган.

Яширин занжирсимон чок билан тикувчи машиналарда ёйсимон игна газлама қатламининг ярим қалинлигига санчилади. Бу жараён игнанинг ёйсимон траектория бўйича ҳаракати орқали таъминланади.

Тикув машиналарида найчадаги ипнинг узунлигига қараб нормал ва катта ҳажмли мокилар қўлланилади. Тикув машинасининг лойиҳалаш ва такомиллаштириш жараёнида, унинг стабил ишлаши ва умрбоқийлигини таъминлаш, асосан мокиларни тўғри танлашга боғлиқ бўлади.




3 -расм. Яширин занжирсимон баҳя ҳосил бўлиш жараёни: а, б-игнанинг газлама устки қисмига санчилиш нукталари. 1-игна, 2-бўрттиргич, 3-игна пластинаси



4 -расм. Моки ёрдамида баҳя ҳосил бўлиши: 1-найча, 2-найча қопқоғи, 3-моки ўқи, 4-найчаушлагич 5-моки илмоғи, 6- игна, 7-тепки, 8-газлама

Тиқилаётган кийимдаги баҳяқатор кўриниши ҳам моки танланишига боғлиқ.



5 -расм. Чалиштиргич ёрдамида баҳя ҳосил бўлиши: 1-чалиштиргич; 2-игна, 3-чалиштиргич ипи, 4-игна ипи, 5-газлама.

Занжирсимон баҳяли тикув машиналарида моки функциясини чалиштиргич бажаради. Иш жараёнида чалиштиргич игна ипи халқасини

илиб олиб, унга ўзининг ипини ўтказиб, уни игнанинг газламага кейинги санчилишига тайёрлайди (3 -расм) ва халқага халқани ўтказиш билан баҳя ҳосил бўлади.

Ҳаракат йўналиши бўйича ўнг ва чап чалиштиргичлар мавжуд. Чалиштиргичнинг тебраниш ва айланиш ўқи горизонтал ҳамда вертикал бўлади. Газламалар чеккасини 3 ипли йўрмаб тикувчи машиналарда баҳя ҳосил бўлишида игна билан иккита устки ва остки чалиштиргичлар қатнашади. Бир ипли йўрмалаш баҳяси игна билан иккита кенгайтиргич иштирокида олинади.

Тишли рейка - газламани бир баҳя узунликка суриш вазифасини бажаради. Газламани суриш механизми баяқатор йириклигини созлаш, газлама сурилиш йўналишини ўзгартириш қурилмаларидан тузилган. Газлама сурилиши тишли рейка ва тепки иштирокида амалга оширилади. Баъзи тикув машиналарида газлама сурилиш жараёнида 2, 3, 4 ишчи органлар қатнашади (4 -расм).


Трикотаж маҳсулотларини тикишда икки тишли рейкали дифференциал механизм қўлланилади. Баъзи ҳолларда материал билан тепки ва тишли рейка орасида ишқаланиш коэффициенти ҳар хил бўлиши натижасида газламанинг устки ва остки қатламларининг бир-бирига нисбатан силжиши содир бўлади. Бу ҳол материалга нисбатан ипнинг қалинлиги тўғри танланмаганидан келиб чиқиши мумкин. Газлама қатламлари силжишларини йўқотиш учун устки ва остки тишли рейкалар қўлланилган тикув машиналари ҳам мавжуд. Тери маҳсулотларини ва зич материалларни тикувчи машиналарда сурилиш жараёни роликлар ва тишли рейка иштирокида таъминланади.

Тишли рейка эллипсимон траектория бўйича ҳаракатланади.

Ип тортгич - игнанинг пастки ҳолати ҳаракатида, моки атрофида айлантририлишида сарф бўладиган ипни узатиш ва баҳяни таранглаш учун хизмат қилади. Занжирсимон чок билан тикувчи машиналарда ип тортгич

функциясини ип узатгич бажаради. Ип тортгичлар кўп ҳолларда мураккаб ҳаракатланувчи ричаг кўринишида тайёрланади. Ип тортгич ўз функциясини игна ва моки ишлари билан ҳамкорликда бажаради. Тикув машиналарида ҳар хил кўринишдаги ип тортгич конструкциялари қўлланилган. Ип узатиш системасига ҳар хил турдаги ипни таранглаш қурилмасиз сифатли чок олиб бўлмайди. Моки бахяли тикув машиналарида найча қопкоғида пружинали таранглаш қурилмаси ўрнатилган. Ипни тарангланиши винт ёрдамида пружинани сиқилиши натижасида таъминланади. Бахяқатор сифати устки ва остки ипларнинг тарангланиш даражасига боғлиқ бўлади.

Тақсимлагич - кўп игнали тикув машиналаридан устки ипларни тақсимлаш вазифасини бажаради. Тақсимлагич кўп ҳолларда бир, икки ва кўп ипли занжирсимон чокли кўп чизикли бахяқаторлар ўртасидаги битта ипни тақсимлаш вазифасини бажаради. Ипни тақсимлаш чок тартибини, кўриниши ва хоссасини ўзгартиради.




6 -расм. Бахя узунлиги йўналиши бўйича бўйлама тебранма ҳаракатланувчан игна ва тишли рейка иштирокида газлама сурилиши.

1 - тепки, 2 - игна, 3 - тепки асоси, 4 - устки материал, 5 - остки материал, 6 - тишли рейка

Занжирсимон бахяқаторлар орасидаги ипни тақсимлаш жараёни **6-расмда** кўрсатилган.

Тақсимлагич баҳя узунлигига кўндаланг тебранма харакатланиб, ўзининг ипини игналар орасидан ўтказди. Бу ҳолда турли рангдаги иплар ишлатилганда чиройли баҳяқатор ҳосил қилиш мумкин.



Тикув машиналарининг асосий механизмлари.

Моки ва занжирсимон баҳя ҳосил қилиб тикувчи машиналар қуйидаги асосий механизмлардан тузилган:

- игна механизми;
- моки ва чалиштиргич механизмлари;
- материални суриш механизми;
- ип тортгич (ип узатгич) механизми;
- тепки узели.

Юқорида кўрсатилган асосий механизмлар қаторига баъзи тикув машиналарида қўлланилган тақсимлагич, кенгайтиргич каби механизмлар ҳам киради.

Қўшимча механизмлар механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган гуруҳларга бўлинади.

Механизациялаштирилган механизм ва қурилмаларга қуйидагилар киради:

- материални йўналтиргичлар;
- ўлчаш ва роликли суриш механизмлари;
- игна остига тўқилган тасмаларни узатувчи механизмлар;
- бўрттиргичлар, чекловчи мосламалар;

- газлама чеккасини қирқувчи механизмлар;
- пухталаш механизмлари;
- игнани совутиш қурилмаси ва ҳоказо.

Бу механизмлар тикув машиналарининг вазифаларига ва технологик талабларига қараб ҳар хил конструкцияларга ва иш принципларига эга. Автоматлаштирилган механизм ва қурилмалар гуруҳига қуйидагилар киради:

- автоматик тўхтатиш қурилмаси;
- игнанинг керакли ҳолатида автоматик тўхтатиш;
- вертикал пичоқ билан ип ва тўрсимон материалларни қирқиш;
- остки ипни қирқиш;
- тепкини автоматик кўтариш;
- мойлаш жараёни бузилганда ва ип узилганда маълумот бериш;
- ўрамлардан газламани автоматик бўшатиш;
- маҳсулотни ҳисоблагич ва ҳоказо.

Махсус ва автоматик элементлардан тузилган машина махсуслаштирилган ва автоматлаштирилган тикув машинаси дейилади. Игна механизми - игна орқали газламани санчиб ўтиб, устки ипни остки ип билан боғланиши учун етказиб бериш вазифасини бажаради. Игна механизмларининг турлари қуйидаги схемада кўрсатилган.

3.2.Берилган тикув машинасининг ишлаш принципи

Кенг имкониятли тикув машиналарининг игна механизмлари

- 1. Механизмларни қўллашдан мақсад.*
- 2. Механизмларни турлари.*
- 3. 1022-М синф машинасини игна механизми.*
- 4. 97-А синф машинасини игна механизми.*
- 5. 597 синф машинасини игна механизми.*
- 6. 862 синф (852 синф) машинасини игна механизми.*
- 7. Игна механизмларидаги созлашлар.*

1. Механизмларни қўллашдан мақсад

Игна механизми буюмларни тешиб ўтиш, унга юқориги ипни ўтказиш ва ипдан солқи (халқа) ҳосил қилиш вазифасини бажаради.

2. Механизмларни турлари

Машинани қўллашга қараб игна оддий (тўғри ёки эгри чизиқли), мураккаб (бир ёки икки текисликда) ва фазовий мураккаб ҳаракатлар қилиши мумкин.

Игна механизмлари кривошип-ползун, кривошип-кулиса, кривошип-кулачокли, олтибўғинли, фазовий тўртта бўғинли ва кўп бўғинли механизмларга турланади.


Кўпроқ кривошип-ползун турли механизмлар қўлланиб, улар содда, керакли ҳаракат қонуниятини таъминловчи, яхши динамик белгиларга ва ишлашда маромлидир. Бу механизмлар уч тузилишли бўлиши мумкин: марказий ёки аксиал, номарказий ёки дезаксиал, шатуни бош валдан юқорида жойлашган.

Марказий игна механизми кенг қўлланилади, унда игнани ишчи ва салт ҳаракатлар вақти ўзаро тенг.

Дезаксиал механизмда игнани ишчи йўли кўп бўлиб, салт йўли камроқдир. Бундай механизмлар синиқ баҳяқатор билан тикувчи 26-А, 75, 331, 335 синф машиналарида ишлатилади.

3.3 1022-М синф машинасини игна механизми

Бу машинада кривошип-шатун типли игна механизми қўлланилган бўлиб, у қўйидагича тузилган. Икки юмалаш подшипнигига бош вал эркин жойлаштирилган бўлиб, унинг ўнг тарафига шкив (маховик, гардиш) кийгазилган ва икки қадалувчи винт ёрдамида маҳкамланган (Расм 8). Бош вални чап тарафига бир жойлаштирувчи винт ёрдамида кривошип маҳкамланган. Кривошипга икки елкали бармоқча кийгазилиб, у икки винт ёрдамида маҳкамланган. Икки елкали бармоқчани ташқи елкасига шатунни игнали подшипниги бўлган юқориги боши кийгазилган ва чап резбали винт билан бармоқча эркин маҳкамланган.



8-Расм. 1022-М синф машинасини игна механизми

Расмда: 1. Бош вал. 2. Юмалаш подшипниклари. 3. Шкив. 4. Кривошип. 5. Икки елкали бармоқча. 6. Игнали подшипниклар. 7. Шатун. 8. Хомут бармоғи. 9. Сирпангич. 10. Вертикал йўналтиргич. 11. Игна юритгич (игна стержени). 12. Тортувчи винт. 13. Йўналтирилгичлар. 14. Игна. 15. Қадалувчи винт.

Шатуннинг пастки боши орқали хомутикни бармоғи ўтказилган, унинг охирига вертикал йўналтиргич ичидаги сирпангич кийгазилган. Хомутнинг тешиги ва икки вертикал йўналтиргич орқали ичи бўш игна юритгич ўтказилган ва тортувчи винт ёрдамида хомутга маҳкамланган. Игна юритгични пастга ўқи бўйлаб тешилган ариқчага игна колбаси киргазилган ва қадалувчи винт ёрдамида маҳкамланган.

Бош вал айланганда кривошип икки елкали бармоқ ёрдамида шатунни юқориги бошини юқorigа кўтарса унинг пастки боши игна юритгични ҳам юқorigа тортади, бунда игна материалдан чиқади, аксинча кривошип бармоқча ёрдамида шатунни юқориги бошини пастга босса, унинг пастки боши ҳам пастга босилади ва ўз навбатида у хомут ёрдамида игна юритгични пастга босади, натижада игна материални тешиб ўтади. Демак, бош валнинг айланма ҳаракати кривошип ва шатун ёрдамида игна юритгични илгарилама-қайтма ҳаракат қилишига олиб келар экан.


4. 97-А синф машинасини игна механизми

Бу машинани игна механизми тузилиши бўйича 1022-М синф машинасидагидекдир.

5. 597 синф машинасини игна механизми

Бу машинани игна механизми 97-А машинасини игна механизми каби бўлиб, унда қўшимча игнани машина платформаси эни бўйлаб тебранма ҳаракат қилиш узели бор. Бу узел тикилаётган буюмлар қаватларини бири-бирига нисбатан силжишини олдини олади. Шунингдек, бунда игнани машина платформаси эни бўйлаб ҳаракати, игна материални тешиб ўтганда ва тишли рейка билан бир вақтда рўй беради (Расм 9).

Бу ҳаракатни игна горизонтал ҳаракат валидан олади. Агар горизонтал ҳаракат вали соат стрелкасига қарши айланса, у кетинги коромисла ёрдамида тортигични юқорига кўтаради, бунда юқориги игна вали соат стрелкаси бўйича бурилади, у айрисимон ричагни ўша тарафга буради, натижада сирпангич, бармоқ ва шатун ёрдамида игна юритгич роми соат стрелкаси йўналиши бўйича бурилади ва игна материални ишчидан қарама-қарши тарафга суради.




9-Расм. 597 синф машинасини игна механизми

Расмда: 1. Горизонтал ҳаракат вали. 2. Коромисла. 3. Тортигич. 4. Коромисло. 5. Тортувчи винт. 6. Игна вали. 7. Айрисимон ричаг. 8. Сирпангич. 9. Бармоқ. 10. Бирлаштирувчи бўғин. 11. Ўқ. 12. Игна юритгич роми. 13. Игна юритгич. 14. Игна. 15. Жадалувчи винт.

6. 862 синф машинасини игна механизми

Бу механизм ҳам 597 синф машинасининг игна механизми каби бўлиб, тузилиши бўйича сал фарқ қилади ва қуйидаги кўринишга эга (Расм 10).



10- Расм. 862 синф машинасини игна механизми

7. Игна механизмидаги созлашлар:

Игнани моки бурнига нисбатан вертикал бўйлаб ҳолати 12 винтни бўшатилиб (Расм 8) 11 игна юритгични юқорига ёки пастга суриш йўли билан амалга оширилади, бунда игна энг пастки ҳолатга келганда унинг кўзчасини ярими ғалчак ушлангич деворидан кўриниб туриши керак.

Агар кўринмаса машина тикмайди (игна юритгични пастга тушириш керак), тўлиқ кўринса игна синади ҳамда машина ташлаб-ташлаб тикади (игна юритгични юқорига кўтариш керак).

597 ва 862 синф машиналарида игнани тишли рейка ўйиғига нисбатан ҳолати 1 горизонтал ҳаракат валидаги (Расм 9 ва 10)

2 коромислани винтини бўшатиб, уни соат стрелкаси бўйлаб ёки унга қарши буриш йўли билан амалга оширилади.

Хаёт хавфсизлиги ва экологик қисми

5. Зарарли моддалар ва нурларни инсон организмига таъсири ва улардан ҳимояланиш

Ишлаб чиқаришдаги ишчи зоналар ҳавоси кўп ҳолларда технологик жараёнларнинг табиий заҳарлари билан ифлосланади. Печкаларда, қозонхоналарда ва ички ёнув двигателларида ёқилғиларни ёниши ис газини ҳосил бўлишига сабаб бўлади.

Масалан, қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган кўпгина заҳарли моддалар, махсус моддалар ҳисобланиб ўсимликларни ҳосилдорлигини оширади, уларнинг зарар кунандаларини эса ўлдиради. Улар таркибига минерал ўғитларни ва 150 хилга яқин заҳарли химикатларни киритиш мумкин.

Булардан ташқари нефть маҳсулотлари, лак, бўёқ, кислоталар, ишқорларнинг хавфли буғлари, газлари ҳам мавжудки, улар ҳам қишлоқ хўжалиги ва саноатда кенг қўлланилиб инсон учун хавфли моддалар эканини ўнутмаслик лозим.

Айрим заҳарлар инсон организмига нафас олиш ва овқат қабул қилиш органлари орқали киради. Унча кўп бўлмаган миқдордаги заҳарли моддаларни (кўрғошин, симоб) узоқ вақтли таъсири узлуксиз касбий заҳарланишга олиб келса, унинг катта миқдори ўткир заҳарланишга сабаб бўлади. Кўпгина заҳарли моддалар ҳароратининг ошиши билан суюқ ҳолатдан буғ ва газ ҳолатга осон ўтади ва шу кўринишда нафас олиш органлари орқали инсон организмига киради.

Инсон ўпкасининг нафас олиш йўллари орқали бу моддалар ҳаво билан биргаликда қонга сўрилади ва катта қон айланиш системасига ўтиб, бошқа йўл билан организмга кирган шундай моддаларга нисбатан организмга 20 баравар кучли таъсир этади. Масалан, бензин хона ҳароратида 1 м^2 сиртдан 400 г/соат тезлик билан буғланади. Бошқа нефть маҳсулотларига нисбатан у организмни кўпроқ заҳарлайди. Бензиннинг концентрацияси $3\text{...}4 \text{ г/м}^3$ бўлганда, ундан нафас олган киши 2...3 минутдан сўнг ютала бошлайди, кўзидан ёш оқиб, юришда


мувозанати бузилади, $30\text{...}40 \text{ г/м}^3$ ли концентрацияси эса 3...4 нафас олгандан сўнг заҳарланишга ва ҳушни йўқотишга олиб келади.

Олтингугурт водороди ва аммиак янада хавфли ҳисобланади. Улар чорвачилик фермаларида ва гунг сақланадиган жойларда тўпланади. Баъзан уларнинг концентрацияси шунчалик юқори бўладики, гунг тўплаш жойларига тушиб, бир-икки нафас олиш билан киши ҳушини йўқотади.

Айрим заҳарли моддалар гази ва буғининг концентрацияси портлаши мумкинлиги билан хавфлидир. Масалан, 16...27% аммиак концентрацияси ва 0,76...5,03 % бензин концентрацияси портлайди.

Шундай қилиб, ишчиларнинг заҳарланишини, ёнғин чиқишини ва портлашни олдини олиш учун ишчи зоналар ҳавосидаги зарарли моддалар концентрациясини назорат қилиб туриш керак бўлади. Бунинг учун лаборатория ва экспресс усуллардан фойдаланилади.

Лаборатория усулида иш жойидан олинган ифлос ҳавонинг кимёвий таркиби лабораторияда мукамал текширилади. Экспресс усулда ҳаводаги зарарли модда концентрацияси бевосита иш жойида текшириладиган ҳавони индикатор қувиридан ўтказиш орқали текширилади. Бу иш УГ-2 (11-расм) ёки ГХ-2 газ таҳлил қилгичи ёрдамида амалга оширилади. Ҳаводаги зарарли газ ёки буғнинг концентрацияси аниқлангандан сўнг, у стандарт бўйича зарарли моддаларнинг ҳаводаги руҳсат этилган концентрацияси билан таққосланади.



11-расм. УГ-2 газ таҳлил қилгичи:

1-корпус; 2-сўриш қувири; 3-индикатор қувири; 4-филтёрловчи патрон; 5-сильфон қувири; 6-ампулалари яшиқ.

Бу иш агар зарарли модданинг ҳаводаги концентрацияси рухсат этилган нормадан ортиқ бўлса, ишчи зона ҳавосини тозалаш бўйича тадбирлар ўтказилади. Ишловчиларни газ, буғ ҳолатидаги ёки қаттиқ зарарли моддалардан ҳимоялашнинг энг самарали усули, зарарли иш ва технологик жараёнларни комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштириш ҳисобланади.

Зарарли моддалар инсон организмни жароҳатлаши, касб касалликларини келтириб чиқариши ва бошқа кўнгилсиз ҳолатларга олиб келиши мумкин.

Организмга кириб унда ҳар хил бузилишлар, хасталиклар келтириб чиқарадиган кимёвий моддалар ишлаб чиқариш заҳарлари ҳисобланади. Улар газлар, буғлар, чанглар кўринишида бўлади. Саноат заҳарлари органик бўлмаган (галогенлар - хлор, бром ва бошқалар; олтингугурт бирикмалари - олтингугурт водород, олтингугуртли газ ва бошқалар; азот бирикмаси - аммиак, азот оксидлари ва бошқалар; фосфор ва унинг бирикмалари - фосфорли водород ва бошқалар) ва органик (бензол, спиртлар, оддий эфирлар) заҳарларга бўлинади.

Биологик зарарли омиллар организмга ҳар хил таъсир кўрсатади. Буларга уларнинг аллергия, бош айланиши, кўнгил айланиши, организмни қизиши ва бошқа таъсир кўринишларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Юқорида қайд қилинган омиллар таъсирини профилактикасига ишчи хона ҳавоси таркибидаги микроорганизмлар миқдорини камайтириш, дезинфекцияни қўллаш, бактерияга қарши лампалардан фойдаланиш; шамоллатиш системалари, кабиналар ва ускуналарни гермитизациясини яхшилаш, билан ҳаводаги органик чангларни миқдорини камайтириш, махсус кийимлардан фойдаланиш ва медицина назорати киради.

Бундан ташқари организмга бошқа омиллар ҳам зарарли таъсир этади. Булар жумласига кислоталар, ишқорлар, ёнилғи мойлаш материаллари ва бошқалар киради. Масалан, бензин терига таъсир этиб уни яллиғлантириши,

сурункали экземаларга сабаб бўлиши мумкин. Ёғлаш материаллари таъсирида ҳам терида экзема ва шунга ўхшаш асоратлар пайдо бўлиши мумкин.

Бензин ва мойлаш материаллари буғидан захарланганда бош оғриши, кучсизланиш, кўнгил айнаши, юрак уришини тезлашиши, бош айланиши каби ўзгаришлар кузатилади. Бензин ва ёғлаш материаллари портлаши мумкинлиги билан ҳам хавфлидир. Улар билан ишлаганда газга қарши никоблар, махсус кийимлардан фойдаланиш тавсия этилади. Қўл терисини биологик қўлқоплар билан ҳимоя қилиниши тавсия этилади.

Қурилиш учун ишлаб чиқариш объектлари майдони қатор санитар талабларни ҳисобга олган ҳолда танланади. Буларга ичимлик сув манбаларини мавжудлиги, ботқоқликларни йўқлиги ва бошқалар киради. Корхона ҳудудида бинолар ва иншоотлар, уларни табиий ёритиш ва шамоллатиш мақсадида ёруғлик ва шамол йўналишига нисбатан қаратиб қурилади.

Ишлаб чиқариш қурилишлари атрофида аҳоли яшайдиган уйлар шамол эсадиган томондан қурилади. Бунинг сабаби ишлаб чиқариш корхонасидан кўтарилаётган тутун, чанг, шовқин ва бошқаларни таъсирини камайтириш ҳисобланади. Ишлаб чиқариш корхоналари ёки қурилмалари ва аҳоли яшайдиган район ўртасида зарарли чиқиндилар характериға ва миқдорига боғлиқ, равишда 500-1000 м кенгликда санитар ҳимоя зонаси ташкил этилади.

Ишлаб чиқариш хонасида ишлаётган ҳар бир ишловчига 15 м^3 дан кам бўлмаган майдон тўғри келиши керак. Унинг полдан шифтгача баландлиги эса 3,2 м дан кам бўлмаслиги керак. Ишлаб чиқаришда шовқинли ёки зарарли моддалар ажралиб турадиган жараёнларни алоҳида хонада жойлаштириш керак. Иш жойидаги поллар текис ва сирпанчиқ бўлмаслиги керак. Агар поллар совуқ, бўлса иш жойларида гилам ёки ёғоч панжара тўшалиши керак. Елвизакни олдини олиш учун ташқи эшикларда танбур ўрнатилиши керак

ҳамда уларнинг эшикларини ўзи ёпиладиган қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ишлаб чиқариш ускуналари, верстаклар иш жойларида шундай жойлаштирилиши керакки, иш жойлари орасида 1 метр кенгликдаги ўтиш жойи қолиши керак.

Санитар-маиший хона - бу шахсий ва махсус кийимлар учун шкафли ечинадиган, ювинадиган ва овқат ейдиган хона ҳисобланади. Бундан ташқари 300 дан ортиқ ишловчилар ишлайдиган корхоналарда фельдшерлик-соғломлаштириш пункти бўлиши керак. Агар бир сменада корхонада 15 ёки ундан ортиқ, хотин-қизлар ишласа улар учун шахсий гигиена хонаси ҳам бўлиши керак.

Ишлаб чиқаришда нурланишларнинг куйидаги турлари тарқалган: инфрақизил, ультрабинафша, электромагнит ва радиоактив. Инфрақизил нурларнинг таъсир жойлари иссиқ цехлар, ультрабинафша нурларнинг манбаи қуёш, симоб-кварц лампалари, электропайванд ёйлари, электромагнит нурларининг манбаи эса радио тўлқинлар, электр узатиш тармоқлари ва ҳар хил юқори генераторлардир.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалик фани ва амалиётида сунъий радиоактив моддалар кенг тарқалмоқда. Улардан уруғларни, ўсимликларни, озиқ-овқат маҳсулотларини нурлашда, тупроқ унумдорлигини баҳолашда, ўғитларнинг самарадорлигини, микроэлементларнинг ролини, деталларни таъмирлаш сифати ва ёйилишига чидамлилигини баҳолашда фойдаланилади.

Инфрақизил нурлар организмни қизишга, ультрабинафша нурланиш эса тери ости тўқималарида биологик ўзгаришларга олиб келади.

Энг хавфли нурланиш ультра юқори частотали (УЮЧ) электромагнитли ва генераторлардаги жуда юқори частотали (ЖЮЧ) нурланишлар ҳисобланади ва улар радиолакаторларда, ядровий физикада, телевиденияларда, медицинада, металлларга термик ишлов беришларда кенг фойдаланилади. Юқори ва ультраюқори частоталар майдонларининг ишчи хоналардаги манбалари энергияларни узатиш тармоқлари, индукцион

катушка, конденсаторлар ва тебранувчи контурларни экранлаштирилмаган элементлари бўлиши мумкин.

5.2-жадвал

Саноат частотасидаги электр майдонининг инсонга таъсирини гигиеник нормаси

Электр майдони кучланганлиги кВ/м	Инсонни бир суткада электр майдонида бўлиши, минут
5 дан катта	Чегараланмаган
5...10	180 дан кўпмас
10...15	90 дан кўпмас
15...20	10 дан кўпмас
20...25	5 дан кўпмас

Юқори частотали (ЮЧ) ва ультраюқори частоталарнинг электромагнит майдонлари таъсирида марказий асаб системаси фаолияти бузилади, организмда умумий кучсизлик, тез чарчаш, бош оғриғи, уйқусизлик, юрак урушининг секинлашиши ва қон босимининг пасайиши кузатилади.

Электромагнит тебранишларнинг инсон организмига таъсирини олдини олиш учун санитар қоидалар билан нурланишни рухсат этиладиган энг кам миқдори белгиланган. Нурлантирувчи қурилмалар (ЮЧ, УЮС, ЖЮЧ) даги электромагнит тебранишлар интенсивлиги метрга вольтларда В/м (электр майдони кучланганлиги), метрга амперларда–А/м (магнит майдони кучланганлиги) ва 1см^2 га микроваттларда– $\text{мкВт}/\text{см}^2$ (энергия оқими зичлиги) баҳоланади. Электр қурилмаларига хизмат кўрсатишдаги меҳнат режими ва электромагнит тебраниш параметрларининг хавфсиз чегараси қуйидаги жадвалда келтирилган.

Одамлар меҳнати жараёнида бўладиган барча зоналарда электр майдонининг кучланганлигини назорат қилиш ПЗ-1 мосламаси билан амалга оширилади.

Электр майдонидан химоялаш ҳар хил экранловчи қурилмалар ва махсус экранловчи кийимлар ёрдамида амалга оширилади ва улар албатта ерга уланиши керак. Бунда ерга улагич қаршилиги 10 Ом дан юқори бўлмаслиги керак.

Электромагнит майдонлари (ЭММ) химояланишнинг энг самарали усуллари уларнинг манбаини экранлаштириш, масофадан бошқариш ва шахсий химоя воситаларини қўллаш ҳисобланади.

Электромагнит тебранишидан химоялашнинг асосий воситаси нурланиш манбаларининг ёпиқ темир деворли камера ёки майда металл тўрли камера ёрдамида экранлаштиришдир. Индивидуал восита сифатида экранловчи кийимдан фойдаланилади. Кўзни химоялаш учун латундан майда тўрли кўз ойнак тавсия этилади. ЮЧ ва УЮЧ қурилмаларга хизмат кўрсатувчи ишчилар бир йилда бир марта, ЖЮЧ қурилмаларига хизмат кўрсатувчи ишчилар эса 6 ойда бир марта тиббий кўриқдан ўтказилади. Бундай ташқари ЖЮЧ қурилмаларга хизмат қилувчи ишчиларга ишларида ҳар йили икки ойлик танаффус берилади.

Нурланишларнинг ичида энг хавфлиси радиоактив нурланиш ҳисобланади. Унинг таъсири марказий асаб системасида, қонда, қон ҳосил қилиш органларида, қон томирларда ва бошқа жойларда комплекс оғир ўзгаришларга олиб келадиган нурланиш касалликларига олиб келиши мумкин. Бу касалликнинг характерли белгилари организмдаги эзилган ҳолат, бош айланиши, кўнгил айнаши, умумий кучсизлик ва бошқалар ҳисобланади.

Радиоактив нурлардан нурланиш ички ва ташқи бўлиши мумкин. Ички нурланиш организмни ичкарасига радиоактив буғлар, газлар ва аэрозолли ҳаводан нафас олган ҳамда озик-овқат маҳсулотлари билан радиоактив моддалар кирганда юз беради.

Ташқи радиоактив нурланишдан химояланиш унинг манбаини экранлаштириш билан ҳал этилади. Ички радиоактив нурланишдан махсус

профилактик тадбирлар ёрдамида ва махсус санитар гигиеник режимни сақлаш билан ҳимояланилади.

8.4. Чанг ва уни организмга таъсири

Давлат стандартига кўра ишчининг доимий ёки вақтинчалик бўладиган иш жойидаги пол сатҳидан 2 м баландлик ишчи зона ҳисобланади. Трактор, комбайн ва бошқа машиналарнинг кабиналари ичидаги фазо ҳам иш жойи ҳисобланади.

Кўп ҳолларда ишлаб чиқаришда ишчи зоналар чанг билан ифлосланади. Айниқса ҳар хил экинларни комбайн билан йиғиштиришда, донларни тозалашда, ерга ишлов беришда, озиқалар тайёрлашда, худди шунингдек ҳайвонларни боқишда чангларнинг ҳаводаги миқдори интенсив равишда ошади.

Қаттиқ модданинг ҳавода муаллақ ҳолатда бўла оладиган энг майда заррачалари чанг деб аталади. Ҳаводаги чанглар аспираторлар ёрдамида аниқланади. Чангларнинг зарралари органик (ўсимлик ва ҳайвон чанглари), органик бўлмаган (минерал ва металл чанглари) ва аралашган ҳолда бўлиши мумкин. Чанг кўзга, нафас олиш йўлларига, ўпкага ва териға зарарли таъсир қилади. Чангларнинг физик ва химиявий хоссалари уларнинг дисперслиги, ер силкиниш заррачаларнинг шакли, эриш қобилияти ҳамда химиявий таркибига боғлиқ. Чангларнинг ҳавода муаллақ ҳолатда бўлиши давомийлиги, нафас олиш органларига кириб бориш чуқурлиги, физик ва химиявий фаоллиги ва бошқа хоссалари чанг заррачаларининг ўлчамларига боғлиқ бўлади.

Ўлчами 200 мк дан катта чанг заррачалари тез ўтиради. Ўлчами 200 мк дан кичик (0,1 мк гача) чанг заррачалари ҳавонинг қаршилиги туфайли секин ўтиради. Ўлчами 0,1 мк дан кичик (кўзга кўринмайдиган) чанг заррачалари деярли ўтирмайди ва ҳавода тартибсиз ҳаракатда бўлади. Бундай чангларни нафас олиш органлари орқали ички организмларга кириши эҳтимоли катта.

Модда қанчалик қаттиқ ва унинг майдаланиши қанчалик интенсив бўлса, унинг дисперслик даражаси шунчалик юқори ва инсон организмига таъсири шунчалик зарарли бўлади.

Қурилиш корхоналарининг ишлаб чиқариш хоналари ҳавосида 70-80 % 5 мк гача катталиқдаги чанг заррачалари бўлади. Чангнинг биологик фаоллиги хусусан унинг инсон организмига таъсирига, химиявий таркибига боғлиқ. Чангнинг дисперслиги ортиши, яъни майдаланган моддаларнинг солиштирма сиртининг катталаниши билан унинг химиявий фаоллиги ортади.

Чангнинг эрувчанлиги катта аҳамиятга эга. Заҳарли чангларнинг ҳужайра суюқликларида яхши эрувчанлиги жуда зарарли ҳисобланади. Катталиги 5 мк бўлган ва ундан катта чанг заррачалари юқори нафас олиш йўлларида, бурун бўшлиғида ушланиб қолади ва улар шиллиқ пардани шикастлайди, яллиғлайди. Бу ҳолнинг олди олинмаса у зўрайиб бурун бўшлиғининг тозалаш (филтрлаш) хусусияти пасаяди. Ўлчами 5 мк дан кичик чанг заррачалари ўпкага кириб боради. Нафас олиш йўлларида чуқур кириб, бу ерда узок туриб қолган чанглар ҳар хил оғир касалликларни келтириб чиқаради.

Ишлаб чиқаришда чанг ҳосил бўлишига ва унинг инсон организмига зарарли таъсир қилишига қарши кураш тадбирлари қуйидаги йўналишларда олиб борилиши зарур:

1. чанг ҳосил бўлишини бутунлай йўқотадиган технологик жараёнларни такомиллаштириш;
2. аппаратлар, жиҳозлар, элеваторлар, транспортёрлар, шнеклар, бўнкерлар ва ҳақозаларни герметиклаш;
3. қўлда майдалаш ишларини механизациялаштириш;
4. қурилишда гидрочангсизлантиргич, пневмотранспортлардан кенг фойдаланиш;
5. чангларга қарши шамоллаткичлар ўрнатиш, чанг манбаларини изоляция қилиш;

6.хонани нам усулда тозалаш;

7.ишчиларни индивидуал ҳимоя воситалари билан таминлаш.

Қишлоқ хўжалигида эса буларга қўшимча равишда герметик кабиналардан фойдаланиш ва унга мажбурий ҳолда тоза ҳавони узатиш ҳамда унинг микроклим параметрларини яхшилашни амалга ошириш жуда фойдали ҳисобланади.

Хулоса

Хулоса

Битирув малакавий ишда классик услубдаги эркаклар костюмини янги модели ишлаб чиқиш ва уни конструктив қисмини янада такомиллаштиришга интилдим. Шу сабабли мен ушбу битирув малакавий ишимни замонавий компьютер дастурларидан AutoCAD 2010, Adobe Photoshop CS4, GERBER тизимидан кенг фойдаланган ҳолда ёздим. Ушбу дастурий таъминотлар ёрдамида битирув малакавий ишимни бажариш даврида мен ушбу дастурларнинг янги сир-асрорларини ўрганиб билишимга-билим қўшдим. Технологик жараёнларни лойиҳалашда мен замонавий асбоб-ускуналардан яъни, дунёдаги етакчи ҳисобланган Германия давлатининг PFAFF, MAIER тикув машиналаридан ва Италиянинг ROTONDI пресс ва дазмолларидан фойдаланган ҳолда туздим. Ушбу фирмаларнинг асбоб-ускуналарини танлашимдан асосий сабаб шундаки, бу корхоналар ишлаб чиқараётган асбоб-ускуналари ҳозирги жаҳон иновацияларига асосланган ҳолда яратилганлиги билан бир қаторда эксплуатацион ва иқтисодий талабларга тўлиқ жавоб бериб, маҳсулотларни сифат даражасини дунё стандартларига мос равишда ишлаб чиқариш имконини беради. Ўзидан-ўзи кўриниб турибдики, ушбу технолгиялар ва ускуналар орқали яратилган маҳсулот бозорда рақобатбардош бўла олади. АТМ ҳозирги замонавий мода йўналиши ва бозор талабига асосланиб, мен ва дизайн раҳбарларим томонидан танланди.

Адабиётлар

Адабиётлар

1. Каримов И. А. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин» - Тошкент-2000й
2. А.Я.Изместьева ва бошқалар «Проектирование предприятий швейной промышленности»М.,«Легпромбытгиздат», 1983.
3. М.Ш.Жабборова «Тикувчилик технологияси», Т., «Ўқитувчи», 1977.
4. А.Я. Изместьева ва бошқалар «Технологические расчеты основных цехов швейных фабрик», М., «Легкая индустрия», 1978.
5. В.П. Нестеров. Автоматизированная система проектирования технологических процессов. Л.И. 1980
6. М.Ш.Жабборова «Тикувчилик технологияси», Т., «Ўқитувчи», 1999
7. Коблякова Е. Б. И др. «Основы конструирования одежды» Москва - 1998г.
8. «Тикувчилик ишлаб чиқариш» йўналиши бўйича укув қўлланмаси (10 - китоб) Тошкент - 2004Й.
9. Рахмонов Н. А., Стаханова С. И. «Устранение дефектов» Москва - 1985г.
10. Камилова Х. Х., Хамраева Н. К. «Тикув буюмларини конструкциялаш». «Молия» Тошкент - 2003Й.
11. СЭВ методикаси V том.
12. М. Ш. Жабборова «Тикувчилик технологияси» - Ўқитувчи, Тошкент - 1977Й.
13. «Технологик жараёнларни лойиҳалаш» фанидан услубий кўрсатма, Маджидова Ш.Г., Расулова М.К., Асадуллаева М.А.
14. Каримова М.В. «Тикувчилик саноати» Ўқитувчи, Тошкент - 1989Й.
15. Замонавий мода йўналиши 2009 - 201 Ой.
16. <http://www.rotondi-ukr.com>
17. <http://www.google.com.uz>
18. <http://www.osinka.ru>

19. <http://www.modnaya.ru>